

Шарқ юлдуз

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид	Хайридин Султонов
Муҳаммад Али	Махмуд Тоир
Кенгесбой Каримов	Шерзод Ирзоев
Энахон Сиддиқова	Гулистон Матёқубова
Иқбол Мирзо	Йўлдош Солижонов
Қаҳрамон Қуронбоев	Тоштемир Турдиев
Минҳожиддин Мирзо	Шуҳрат Маткаримов
Жумакул Қурбонов	Адҳамбек Алимбеков
Фармон Тошев	Жамолиддин Муслим
Исајон Султон	

Бош мухаррир — Сирожиддин Рауф

Бош мухаррир ўринбосари — Азиз Саид

Масъул котиб — Дилором Муротова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Наср бўлими мудири — Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи





ИЖОД ОЛАМИНИНГ СИРЛАРИ

**Ойбарчин
АБДУЛҲАКИМОВА**

Адабиёт миллий шаклда намоён бўлиб, моҳиятида миллий рух тажассум топиши аён. Бироқ дунё адабиётида шундай ҳодисалар бўладики, баъзан бошқа-бошқа миллиатларга мансуб, адабий-эстетик тафаккури ўзга-ўзга асосларга таянувчи буюк ижодкорларнинг бир-биридан тасъирланиши натижасида ҳам мутлақ мукаммал, оригинал асарлар дунёга келиши мумкин. Бундай асарларни қиёсий ўрганиш бадиий адабиёт сирларини, шунингдек, ижодкор руҳиятини англашда алоҳида аҳамиятга эга. Оврўпо Уйғониш адабиётининг асосчиси Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия» ва ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонлари худди шундай асарлар сирасига киради. Аммо бу икки асардаги умуний ва хусусий жиҳатлар ижод оламининг тамомила ўзгача қонуниятлари маҳсулики, мақолада имкон қадар шу масалага диққат қаратишга уринамиз.

Қисқача мазкур асарларнинг ўрганилиш тарихи ҳакида тўхталсак. Профессор Нажмиддин Комилов «Тафаккур карвонлари» китобида Данте хусусида фикр юритиб, шундай ёзади: «У Шарқ ва Farb маданияти оқимини бирлаштириди, умумбашарий меросни қабул қилиб, уни янги юксак бадиий чўққига олиб чиқди».

Абдулла Орипов Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия» асари «Дўзах» қисмини ўзбек тилига таржима қилди. Ушбу асарнинг ўзбек халқи маънавий мулкига айланишида ана шу таржиманинг ўрни бекиёс. Шоир «Дантенинг безовта руҳи» мақоласида улуғ италиян адиби ватанига саёҳати натижасида одам ҳамма жойда ҳам одам экани, шафқатсиз тузум, бойликка хирс, шуҳратпарастлик ва қашшоқлик шундайлигича ҳам иллатлардан холи бўлмаган инсон руҳиятини вайрон қилиши, одам боласини ёвуз бўрига айлантириб қўйиши ҳакидаги хуносаларини изҳор этар экан, Дантели ҳам худди шу каби ўйлар қийнаганини ёзади.

Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия»си ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достони жуда чукур ўрганилмаган бўлса-да, бу асарлар ҳакида бир канча мақолалар ёзилган, мулоҳазалар билдирилган. Акмал Сайдовнинг «Данте – юрист», Улуғбек Сайдовнинг «Шарқ ва Farb: маданиятлар туташган манзиллар» китоблари, Сирожиддин Сайиддининг «Ростини айтсанм, кўксимдаги дилим янги»,

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА – 1993 йили туғилган. Ўзбекистон миллий университети Ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг «Бадиий тил ва тасвир», «Эпик тасвир қурралари» китоблари, илмий журнал ва тўпламларда 30 га яқин мақолалари чоп этилган.

Ижод оламининг сирлари

Узок Жўракуловнинг «Армон талқинлари», Дониёр Бегимкуловнинг «Абдулла Орипов ҳакида» мақолаларини, Акрам Ҳамдамовнинг номзодлик диссертациясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу сингари бир қанча тадқиқотлар, мақолалар эълон қилинган бўлишига қарамай, Данте Алигъерининг «Илоҳий комедия» ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достонлари ўзбек адабиётшунослигига тўлақонли ўрганилган эмас. Уларнинг киёсий таҳлили эса мутлако амалга оширилмаган.

«Илоҳий комедия» Данте Алигъери ижод этган асарларнинг бадиий ва ғоявий жиҳатдан энг юксаги ҳисобланади. Шоир бу асарини дастлаб «Комедия» деб атаган. Асар таржимони Абдулла Ориповнинг ёзишича: «...бу асар воқеалари кўринишдан «нариги дунё»да кечса ҳам, унинг марказида ҳақиқат ахтарган жафокаш инсон, иқболи нигун доҳий санъаткор образи турибди. Шунинг учун бўлса керак, бу асарни «Дантенома» деб ҳам аташади. «Илоҳий комедия» ёзилган даврларда, комедия хозиргидек кулги аралаш саҳна асарини эмас, балки умуман бадиий шаклни, хусусан, йирик шеърий лавҳаларни ҳам англатган. Кейинги асрлардагина Жованни Боккаччо уни қайта нашрга тайёрлаётуб, «Илоҳий комедия» деб атаган». Бундай номланишига сабаб, асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги; инсонни ҳаёт ва ўлим, яъни охират ҳақида фикр юритишга ундашидир. Асар «Дўзах», «Аросат» ва «Жаннат» деб номланган уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисм ўттиз учта қўшиқдан ташкил топган. Биринчи қисмдаги дебоча билан умумий 100 қўшиқдан иборат. Унда муаллифнинг устози Вергiliй кўмагида охиратга килган саёҳати тасвиранади. Дантенинг бундай асар яратишига сабаб севгилиси Беатриченинг бевакът ўлимидир. Бу ўқотишдан у қаттиқ таъсиранади, шундан сўнг ҳаёт ва ўлим тўғрисида фалсафий фикр юрита бошлади ва «Илоҳий комедия» асарини дунёга келтиради.

«Илоҳий комедия»даги сингари «Жаннатга йўл» достонида ҳам воқеа-ходисалар охиратда содир бўлади. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан суҳбатда «Илоҳий комедия» қачон таржима қилингани ва «Жаннатга йўл»нинг ёзилиш санаси билан қизиккан эдик. Устоз шоир бу ижодий жараён деярли бир вақтда содир бўлганини айтгандилар. «Жаннатга йўл»ни ёзишда «Илоҳий комедия»дан таъсиранганимисиз?» деган саволимизга эса: «Илоҳий комедия» шундай буюк асарки, ундан таъсиранмаслик мумкин эмас», деб жавоб бергандилар. Шунинг баробарида, муаллиф «Жаннатга йўл»ни ёзишда муборак бир ҳадисдан таъсиранганиклари ҳақида сўзлаб бергандилар. Бу ҳадис мазмунига кўра, охиратдаги ҳисоб-китоб вақтида инсонга ота-онаси ҳам, бошқа кариндошлари ҳам ёрдам бера олмаслиги, фақат ҳақиқий дўстгина унинг оғирини енгил қилиши мумкинлиги зикр этилган экан. Бундан «Жаннатга йўл»нинг асосий ғояси ана шу муборак ҳадис таъсирида туғилгани маълум бўлади.

«Илоҳий комедия» Европа адабиётига хос ҳар бир банди уч мисрали анчайин мураккаб шеърий шакл – терцинада ижод қилинган. Абдулла Орипов эътирофича, «...терцинада уч қатор баравар келаверади. Лекин уч қатор баравар бўлгани билан кофиялар занжир бўлиб, бир-бири билан боғланиб кетаверади. Шарқ мумтоз адабиётидаги аруз вазнининг бузилиши қанчалик сакта бўлса, бу ерда терцинанинг бузилиши ҳам шеърий жиноятга айланиб кетиши мумкин». Абдулла Ориповнинг куйидаги фикри эса, таржимоннинг қанчалик заҳматли меҳнатни амалга оширганини хис этиши имконини беради: «Асарда агар бир сатрнинг иккинчиси билан кофияси бузилса, шу иморат таг-туги билан нураб кетади. Занжир узилади! Мен бу билан катта бир ишни бажардим, деб айтишни хоҳламайман. Лекин воқеликка объектив баҳо беришим керак».

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

Бадиият – бу, биринчи навбатда, бекиёс рамз ва тимсоллар дунёси, охорли образлар олами демакдир. Ҳар икки асар рамз ва тимсолларга бой. Энг эътиборли жиҳати, улар бир-бирини зинҳор тақрорламайди.

*Ердаги умримнинг ярмини юриб,
Зулмат водийсида адашиб қолдим.
Боқсан, бир ўрмонга кетибман кириб.*

«Илохий комедия» ана шу мисралар билан бошланади. Бу асарда бош образ Дантеңинг ўзи. Унинг ўрмонда адашиб қолишида Италиянинг ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитига ишора бор. Умуман олганда, асарда ўрмон – бу биз яшаб турган ҳаёт, яъни фоний дунё рамзи ўлароқ намоён бўлади. Данте, ҳаётда шу қадар адашдимки, бундан кўра ажал ҳам яхши эди, дейди:

*Даҳшатларга тўла ўрмон эди у,
Эсадан чиқаролмай неча йил толдим
Ҳатто ажсал ундан туюлгай эзгу.*

Баланд тоғдан тушиб келар экан, шоир олдидан коплон, арслон ва қашқир чиқиб, ўйлини тўсади. Бу уч ҳайвон – асарда нафс рамзи сифатида келган. Коплон – соҳтакорлик ва сотқинлик тимсоли бўлса, арслон – мағурурлик ва зўравонлик; қашқир эса, очкўзлик ва тақабурлик рамzlаридир.

Зулматда қолган Дантеңинг қархисидан устози Вергилий чиқади ва уни бу қоронғиликдан олиб чиқажагини, Дўзах ва Аросатдан олиб ўтажагини, Жаннатга эса Беатриче орқали етишишини айтади.

Асарда Вергилий – йўлбошчи, пир тимсоли. У ўз шогирдини Жаннатга эришиши учун зарур бўлган босқичлардан олиб ўтишини таъкидлайди. Беатриче эса – илохий ишқ рамзи. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун Лайлиниг тимсолида Оллоҳнинг васлига интилади, бу йўлда турли босқичларни босиб ўтади. Шундан келиб чиқиб, Дантеңинг муҳаббатини ҳам икки томонлама изоҳлаш мумкин. Биринчиси, мажозий ишқ бўлиб, Данте ҳаётда чиндан ҳам Беатричени севади ва унинг ўлимидан қаттиқ изтиробга тушади. Иккинчиси, илохий ишқ бўлиб, у Беатриче тимсолида Оллоҳнинг васлини мушоҳада этади. Асардаги доиралар рамзи эса, бизнингча, инсонларнинг дунё ҳаётида қилган ёмонликларига кўра жойлаштирилишини англатади. Яъни доиралар – бу даражалар кетма-кетлигидир.

«Жаннатга йўл» достонидаги рамзлар ва тимсоллар, табиийки, ўзига хос; «Илохий комедия»дагига ўхшамайди. Асардаги Тарозибон – инсонларни эзгуликка чорлаш тимсоли. Диний-маърифий манбаларда охиратда гуноҳу савоблар мезонга, яъни тарозига солиниши зикр этилади, бироқ айнан тарозибон ҳакида сўз юритилмайди. Бадиий асар бўлгани учун ҳам «Жаннатга йўл»да бундай тимсолнинг кўлланиши ўринли. Асарда тарозибон ҳатто кимнинг жойи жаннатда, қай бириники дўзахда, яна қайсиси аросатда эканини ҳам эълон қиласди. Жумладан, Ўзга одам Тарозибонга титраб яқинлашар экан, унга нисбатан мана бундай ҳукм янграйди:

*Бу ёқقا тур. Исминг нима? Ҳожати ҳам йўқ.
Тамга босиб қўйган экан сенга Оллоҳим
Сенинг жойинг аросатда. Кўнглинг бўлсин тўқ.*

Ижод оламининг сирлари

Ўзга одам – умрини бесамар ўтказаётган, на ўзига, на жамиятга наф етказадиган кимсалар тимсоли. Табиийки, унинг қилмиши одамийликка ёт. Асарда унга исм қўйилмагани сабаби ҳам шунда. Ўзга одам – ана шу номнинг ўзиёқ бу тоифадагилар устидан чиқарилган поэтик холоса.

Хур киз – вафосизлик тимсоли. У инсон нима учун яратилганини, аёл зотининг зиммасида қандай масъулият борлигини англамай ўтган. Она томонидан айтилган мана бу мисралар фикримизни тасдиқлади:

*Ҳа, Хур қизнинг у дунёси қорадир бутун,
У қисматга бўй бермаган, қисмат бунга ёв
Бегонадан хуфя совға олгани учун
Бўғиб кетган буни бир кун бўлажсак куёв.*

«Бегонадан хуфя совға олиш» – унаштирилган қизнинг бундай қилмиши шарқона удумга хилоф. Шунинг учун ҳам асарнинг бу қаҳрамонига мана бундай баҳо берилади: «у дунёси қора».

«Илоҳий комедия» ва «Жаннатга йўл» асарларида айрим муштарак жиҳатлар ҳам бор. Авваламбор, ҳар иккаласида воқеа-ҳодисалар охиратда юз беради. Данте ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, буюк шахсларнинг Дўзах, Аросат ёки Жаннатдаги ҳаётини тасвирлайди. У христианлик мезонларига таянган ҳолда Шарқ мутафаккирларидан Ибн Сино, Ибн Рушд каби буюк сиймолар ва яна Цезар, Афлотун, Сукрот, Демокрит, Гераклит, Гиппократ каби улуғ шахслар Дўзахнинг биринчи доирасида яъни христиан динига мансуб бўлмаган шахслар жойлаштириладиган доирада тасвирлайди.

Абдулла Орипов эса Ўзга одамни Аросатда, йигитни Дўзахда, ота-онасини Жаннатда тасвирлайди. Бунда у мезон сифатида Қуръони Карим ва ҳадиси шарифга таянади. Икки ижодкор ёндашувидаги бу тафовут, биринчи навбатда, уларнинг дунёқараши, эътиқоди билан боғлиқ. Иккинчидан, Шарқ ва Farb менталитети ҳам бунда ўз сўзини айтган, дейиш мумкин.

Яна бир муштарак жиҳати, иккала асарнинг ҳам бош ғояси инсон ва унинг моҳиятини англаш экани билан белгиланади. Улардан келиб чиқадиган холоса: одам болалари умрини бехуда ишларга сарфламаслиги, дунё ва охиратини обод қилиш ҳақида қайғуриши зарур. «Жаннатга йўл» достонида ушбу муаммо талқини тамомила ўзига хос. Жумладан, асарда тасвирланишича, бир мўйсафид етти марта ҳажга борган, бор-йўғи бир мартагина отасини сансирагани учун унинг савоб амали қабул бўлмаган. Шоир бу оркали инсон ҳар қанча савоб ишларни қилмасин, ота-онасини ҳурмат қилиб, уларнинг розилигини топмаса, унинг амали бехуда кетиши ҳақидаги машҳур ҳадиси шариф мазмунига ишора қиласди. Асардаги Ўзга одам қисмати аянчли: у на гуноҳ ва на савобга кўл урган. Аросатга тушиши сабаби шунда. Зеро, одам болалари ўзга жонзорлардан аклу тафаккури билан ажралиб туради. Шу боис у азиз умрини имкон даражасида эзгу амалларга сарфламоғи керак – бу образ замирига сингдирилган маъно, муаллифнинг бадиий нияти – ана шу!

Жаннатга киришига икки пайса етмаган Йигит образида ҳам ибратли жиҳатлар талайгина. Жумладан, у бирорга ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, таъмагир, товламачи, текинхўр инсонларни кўра билиб туриб, уларни йўлдан қайтармаган. Бундай лоқайдлик, табиийки, жазосиз қолмаган. Инсон – яралмишлар афзали. Шу боис у умрнинг ҳар бир лаҳзасини эзгуликка сафарбар этиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, уни икки дунёда азизу мукаррам этади – Йигит қисматидан муаллиф чиқарган поэтик холоса ана шундай.

Ойбарчин АБДУЛҲАКИМОВА

Бир қария ётар эди менинг ёнимда,
Үгли унинг тепасига қўйди улкан тоши.
Бироқ бир кун иблис кирди ўғил қонига,
Ўғил бир кун таъмасини айлаб қўйди фоши:
Қабр тошда ўзин исми ёзилмай қолмиши,
Сангтарошни олиб келди бир кун у нокас
Ва ўз исмин ўйдирди ҳам, бу савоб эмиши,
Йўқ бу савоб атаммагай, манманлик, холос.

Ота қабрига тош қўйгач, сангтарошни олиб келиб, ўз исмини ўйиб ёздирган ўғил хусусида ёзар экан, муаллиф «унинг қонига иблис киргач, у таъмасини фош этгани; бу савоб эмас, манманлик» экани хусусидаги бадиий ҳукмни чикаради. Унинг бу тошни кўрган инсонлар фалончи азamat қўйдирган экан дейишини исташи, отасини эмас, ўз обручини ўйлаши ҳақидаги мисралар ўқувчини чукур мушоҳада юритишига чорлайди.

Юкоридаги мулоҳазалардан хulosа қилиш мумкинки, Данте Алигъерининг «Илохий комедия» ва Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарлари том маънода мураккаб ва зиддиятли жараён – ўзликни ангглаш йўлининг ўзига хос бадиий талқини ўларқ ижод этилган. Бадииятнинг бу икки буюк обидасини ҳар жиҳатдан мукаммал қиёсий ўрганиш, икки улуғ шоир адабий-эстетик оламидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниклаш юзасидан изчил тадқиқотлар олиб бориш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифаларидандир.



Жўн тимишнос олимлағимизнинг бисоти
– тими саноғми атамалағ маёнмуасидан ибо-
ғрат. Шу бисотдан ташқарида улағ – йўқ.

Файбуллоҳ АС-САЛОМ



МУНДАРИЖА	
ДУРДОНА	
Алишер НАВОЙИ.	Хосият мундоғ эмиш хар кимда бўлса пок ишқ.4
НАЗМ	
Ойдин ХОЖИЕВА.	Дилнинг туб-тубига қуилади нур.35
Абдували КУТБИДДИН.	У томондин ташриф буюради туш.88
Акрам УСМОН.	Сендан хабар берди мен излаган баҳт.92
Жамолиддин МУСЛИМ.	Мен сенга йўлладим мехримдан мактуб.101
Алишер НАРЗУЛЛО.	Тонг секин борарди оқариб.105
НАСР	
Хайриддин СУЛТОНОВ.	Дўстлар. Бугуннинг ҳикоялари.8
	Шляпа.12
	Миллатчининг жазоси.20
	Монолог.27
Эврил ТУРОН.	Ойнур. Вокеий роман.40
Нормурод Норқобилов.	Зиёратгоҳ. Ҳикоя.96
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Шавкат ҲАСАНОВ.	Истеъоддининг рангин жилолари.109
Саъдулло ҚУРОНОВ.	Ижтимоий шеъриятнинг яралиши.116
Завқиддин СУВОНОВ.	Ровий ва муаллиф.133
Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА.	Ҳажвий ҳикоялар устаси.141
Ойбарчин АБДУЛҲАҚИМОВА.	Ижод оламининг сирлари.144
ЗАРРАБИН	
Вахоб РАҲМОНОВ.	«Қолмади чун ўзга манга чорае...».128
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Эгамберди МУСТАФОЕВ.	Юз очиб кўқда қамар, соҳса нур олам аро.137
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Шахриёр ШАВКАТ.	Сенинг руҳинг шаффоғ бағоят.121
Улугбек БАХШИ.	Қўнғиртовнинг лоласи. Термалар.125
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
Анвар МУҚИМОВ.	Хайри хола тиш кўйидирди.149
	Кўқон шамоли.156
BOLALAR DUNYOSI	
Miraziz A'ZAM.	Hurlar aro hur bo'lsin.163
ЖАҲОН АДАБИЁТИ	
Габриэла МИСТРАЛЬ.	Биз кутган кунларни шошир.167
ГУЛҖАЙЧИ	
Ғайрат АБДУЛЛА.	Қайчи. Ҳажвия.171
Адабий хаёт.175

Шарқ ўлдузи

2019

1-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри
тахририят изходий жамоаси нуткан
назаридан фарқланиши мумкин.
Тахририятга юборилган
материаллар муаллифларга
кайтарилмайди.

Журнал ОАҚ эътироғ этган
нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек
адабиёти» ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билиан шуғулланувчи барча
ташкилотлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкӯча, Адаблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди:

Коғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
Офсет босма усулида офсет коғозида
босилди. Босма табоги 11,0.
Шартли босма табоги 15,4.
Наширёт хисоб табоги 17,2.
Адади 2000 нусха.
Буюртма № 6

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.
0562-ракам билан рўйхатта олинган.

«PRINT REBEL» МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўразбоев кўчаси, 35-үй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххих:
Дилғузा Маҳмудова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Элёржон Нематов

Copyright © «Шарқ ўлдузи»